

## **2020 йил IV чораги учун иқтисодиётдаги ўзгаришлар таҳлили**

### ***Институционал ўзгаришлар***

#### ***Октябрь***

2020 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида ахоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини кўллаб-кувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Бизнесни ривожлантириш” уюшмаси ташкил этилди.

Үюшманинг вазифалари этиб мамлакатимиз тадбиркорларининг пандемия шароити натижасида юзага келган муаммоларини бартараф этишга кўмаклашиш, ишбилармонларнинг жаҳон бизнес стандартларига фаол трансформация жараёнларини амалга ошириш, яширин иқтисодиётни қисқартиришга кўмаклашиш, рақамли иқтисодиётга тадбиркорлик субъектларини трансформация қилиш каби устувор вазифалар белгиланган<sup>1</sup>.

#### ***Ноябрь***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 705-сонли Қарорига қўра Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси ташкил этилди.

Қўмита пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи, шунингдек, ушбу тармоқларни ягона илмий-техник сиёсатни юритган ҳолда, мувофиқлаштирилган тарзда ривожлантиришни таъминловчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгиланди<sup>2</sup>:

- пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини, шунингдек, ушбу тармоқларни ягона илмий-техник сиёсатни юритган ҳолда, мувофиқлаштирилган тарзда ривожлантиришни таъминлаш;
- тут плантациялари ва яйловларнинг қатъий ҳисобини юритиш ва фондини ўрганиш, шунингдек, пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш учун озуқа базасини яхшилаш;
- ипак қуртининг ва қоракўл зотли қўйларнинг юқори даражада маҳсулдор наслларини жорий қилиш;
- пилла ва қоракўл терисидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида хом ашё тайёрлаш ва уни қайта ишлаш учун қулай шароитлар яратиш;
- маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда ипак ва қоракўлдан тайёрланган маҳсулотларни, энг аввало, ташки бозорларда сотишга кўмаклашиш;
- пиллачилик ва қоракўлчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш, кластерлар ташкил этиш ва маҳсулотни экспорт қилишда ҳар томонлама ёрдам бериш.

#### ***Декабрь***

2020-йил 17 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг 793-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Бўш турган обьектлар маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг

<sup>1</sup> <https://aza.uz/uz/posts/ozbekiston-biznesni-rivozhlantirish-uyushmasi-tashkil-etildi>

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/5130468>

2020 йил 1 июлдаги “Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4771-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган эди. Тасдиқланган Низомга кўра Марказ ва унинг худудий бошқармалари қўйидаги соҳаларда фаолият олиб боради:

- бўш турган обьектларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш;
- бўш турган давлат мулки обьектларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, шу жумладан давлат мулки обьектларини ижарага беришни ташкил этиш;
- ижарага берилган давлат мулки обьектларини ва уларни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва уларнинг мониторингини олиб бориш;
- ижарага берилган давлат мулки обьектларидан мақсадли фойдаланишишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;
- давлат муассасалари (корхоналари)га биринчирилган давлат мулки обьектларидан самарали фойдаланишиши ва уларнинг сақланишини белгиланган тартибда текшириш;
- давлат муассасалари (корхоналари)га оператив бошқарув ҳукуқи билан берилган давлат мулки обьектларининг ортиқча қисмини, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган давлат мулки обьектларини олиб қўйиш;
- Курилиш соҳасида назорат инспекцияси холосасига асосан яроқсиз деб топилган давлат мулки обьектларини бузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- бўш турган хусусий мулк обьектларини уларнинг мулкдорлари ихтиёрига кўра ижарага берилишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш<sup>3</sup>.

### ***Иқтисодиётдаги ўзгаришилар***

#### ***Октябрь***

2020 йил 9 октябрда Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтинги тўғрисидаги ҳисоботга кўра мамлакатимизнинг суверен кредит рейтинги ўзгаришсиз ВВ- (барқарор) даражасида қолди. Ҳукуматнинг барқарор баланси, мўътадил ҳукумат қарзи ва ўсиш суръатлари мамлакатимизнинг суверен кредит рейтингини қўллаб-қувватловчи омиллар қаторига киритилган. Институционал ва бошқарув даражаларининг заифлиги, юқори инфляция ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот республика кредит рейтингини чекловчи омиллар сифатида қайд этилди. Ҳисоботда Ўзбекистоннинг ёш аҳолиси, юқори миқдордаги сармоялар ва таркибий ислоҳотлар дастури инқироздан кейинги ижобий ўсишга олиб келиши таъкидланган.

#### ***Ноябрь***

2020 йил ноябрь ойида Ўзбекистон тарихида илк маротаба халқаро молия бозорларида миллий валютада 2 трлн. сўм ҳажмида суверен облигациялар жойлаштириди. Инвесторлар таклифларига биноан 750 млн. долл. миқдоридаги суверен халқаро облигацияларни 2 траншда 10 йиллик муддат билан АҚШ долларида ва 3 йиллик муддат билан ўзбек сўмида чиқариш ва Лондон фонд биржасида жойлаштириш бўйича бошланғич фоиз ставкалар, мос равища, 4,25% атрофида ва 15,25% атрофида белгиланди. Буюртмалар жойлаштирилгандан кейин, уларнинг ҳажми икки соат ичida доллар ва сўмдаги облигациялар учун мос равища, 1,6 млрд. долл. ва 1,9 трлн. сўмни ташкил этди.

Савдо якунлари бўйича, халқаро облигацияларнинг ҳажми ва фоиз ставкалари қўйидагича белгиланди:

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/5170980>

- 10 йиллик АҚШ доллари транши: 555 млн. долл. 3,7% купон билан (дастлабки фоиз ставкадан 0,55% паст);
- 3 йиллик ўзбек сўми транши: 2 трлн. сўм 14,5% купон билан (дастлабки фоиз ставкадан 0,75% паст)<sup>4</sup>.

Ноябрь ойида Ўзбекистон 107та мамлакат иштирок этган *Глобал очлик индексида* (Global hunger index) 2019 йилдагидан 18 поғона юқори lab, ушбу индекс бўйича энг яхши мамлакатлар рўйхатига кирди. Ўзбекистон мазкур рейтингда энг яхши деб топилган 47та мамлакат қаторида – 6,7 балл билан 30-ўринни эгаллаган. 2019 йилда мамлакат 10,7 балл билан 48-ўринни банд этганди.

Унда 9,9гача балл тўплаганлар очлик даражаси паст, 10,0дан 19,9гача балл тўплаганлар очлик даражаси ўртacha, 20,0дан 34,9гача балл тўплаганлар очлик даражаси жиддий, 35,0дан 49,9гача балл тўплаганлар очлик даражаси хавотирли, 50,0дан юқори балл тўплаганлар очлик даражаси ўта қўрқинчли мамлакатлар рўйхати шакллантирилган.

Шунингдек, ушбу индекс ҳар бир мамлакат учун тўртта кўрсаткични жамлаш орқали аниқланади:

- тўйиб овқатланмайдиган аҳоли улуши;
- беш ёшгача бўлган вазни меъёридан паст болалар улуши;
- беш ёшгача бўлган бўйи меъёридан паст болалар улуши;
- беш ёшгача бўлган болаларнинг ўлим даражаси.

2020 йил ноябрь ойида эълон қилинган Буюк Британиянинг Legatum Institute томонидан ҳар йили тайёрланадиган *Фаровонлик индекси* бўйича Ўзбекистон 97-ўринни эгаллади. Яъни, 2019 йилдаги (102-ўрин) натижалар билан солиширганда 5 поғона юқорига кўтарилид. Ўзбекистон илк бор ушбу индексга 2010 йилда киритилган бўлса, ўтган 10 йил давомида 10 поғонага кўтарилиган. Мамлакат 2016 йилда 106, 2017 йилда 107, 2018 йилда 105-ўринни эгаллаган эди.

Ўзбекистон ушбу индексда ижтимоий капитал (20), соғлиқни сақлаш (43) ва хавфсизлик (52) мезонлари бўйича юқори натижаларни қайд этган. Экологик муҳит (157), шахсий эркинлик (147) ва давлат бошқаруви (136) эса мамлакатнинг энг ёмон жихатлари сифатида қайд этилган.

Ушбу рейтингда мамлакатлар 9 мезон бўйича таққосланади. Булар – иқтисодий ривожланиш даражаси, бизнес муҳити, давлат бошқаруви самарадорлиги, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва шахсий эркинлик, ижтимоий капитал ва экологик муҳитни ривожлантириши.

Рейтингнинг кучли бешлигидан Дания, Норвегия, Швейцария, Швеция, Финляндия ўрин олган бўлса, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари – Қозоғистон 62-ўринни, Қирғизистон 90-ўринни, Туркманистон 109-ўринни, Тожикистон 112-ўринни банд этган.

Базель давлат бошқаруви институти ҳисоботига кўра, Ўзбекистон *Пул ювиига қарши кураши индексида* 43-ўринни эгаллагди. Рейтингда биринчи ўринни Афғонистон эгаллаган. Ундан кейинги ўринларда Гаити (2-ўрин) ва Мьянма (3-ўрин) қайд этилган. Рейтингда Россия 52-ўрин, Туркия 41-ўрин, Украина 67-ўрин, Қозоғистон 73-ўринни эгаллаган.

Базель давлат бошқаруви институти мутахассислари томонидан 141 мамлакатда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида кўрилган чоралар самарадорлиги ўрганилган. Рейтингда энг қуи поғоналарда турган давлатда ноқонуний пулларни легаллаштириш даражаси паст ҳисобланади.

<sup>4</sup> <https://telegra.ph/%D0%8Ezbekiston-Respublikasi-Moliya-vazirligi-navbatdagi-suveren-hal%D2%9Baro-obligaciyalarning-boshlan%D2%93ich-foiz-stavkasini-ehlon-%D2%9Bildi-11-19>

## *Декабрь*

2020 йил 11 декабрда Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг видеоанжуман шаклидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Саммит кун тартибига мувофиқ Ўзбекистон Республикасига ЕОИИ хузуридаги кузатувчи давлат мақомини бериш масаласи кўриб чиқилди, шунингдек, бирлашма доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ўз нутқида ЕОИИ мамлакатлари Ўзбекистоннинг табиий савдо шериклари эканлигини, давлатларнинг транспорт коммуникациялари ва инфратузилмаси чуқур интеграциялашгани ва ўзаро яқиндан боғланганлигини таъкидлади. Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг йиғилиши якунида Ўзбекистон Республикасига ташкилот хузуридаги кузатувчи давлат мақоми берилди.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар билан алоқаларни кенгайтириш Ўзбекистон учун иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу масалани Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам таъкидлади. 2021 йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик масаласи ҳамда Европа Иттифоқи билан кенг қамровли ҳамкорлик бўйича ишларни фаоллаштириш лозимлиги қайд этилди.

**Стратегик режалаштириш ҳамда макроиқтисодий параметрлар прогнозларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича лойиха томонидан тайёрланди**